



## **FACTORS OF EDUCATION OF MEANINGFUL YOUNG PEOPLE**

Kholikova Dilnavoz Alimatovna

Candidate of Philological Sciences, Associate Professor Associate Professor of the Academy of the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan Tel: (97) 716-03-71.

## **МАЪНАН ЕТУК ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ОМИЛЛАРИ**

Холиқова Дилнавоз Алиматовна

Филология фанлари номзоди., доцент

Ўз Р Қуролли Кучлари Академияси доценти Тел: (97)716-03-71.

Ҳарбий хизматчиларни, айниқса, бўлажак офицерларни маънан, руҳан етук қилиб тарбиялаш, уларни ҳар қандай вазиятда чидамлилиги ва ватанпарварлигини кучайтириш ҳарбий педагогиканинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу мақсадга эришиш учун энг замонавий педагогик, ахборот коммуникация технологияларидан, жумладан, етакчи жамоат ташкилотлари, олимлар, мутахассислар, маданият ва санъат намояндаларининг куч ва имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим.

Ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, интеллектуал салоҳиятли ва жисмонан бақувват қилиб тарбиялашда, уларда ўз тарихидан, она-Ватанининг қуролли ҳимоячиси бўлганлигидан фахрланиш туйғусини уйғотишга, жанговар қобилияти ва тафаккурини юксалтиришга эришиш учун бугунги дунё руҳиятидан келиб чиқиб ёндашиш талаб этилади. Жанговар ва сафарбарлик тайёргарлигини, ҳар қайси ҳарбий хизматчи онгида унинг ўз фикри, атрофида кечаётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш, юксак ахлоқий ва маънавий фазилатларни, фаол ҳаётий позицияга эгалик ва ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашга адабиётнинг тутган ўрни бекиёсдир.

Зеро, инсоният жамиятида энг қудратли куч – сўздир, буюк мутафаккир Алишер Навоий “Инсонни сўз айлади жудо хайвондин, Ки гуҳари шарифроқ йўқдир ондин”, дея психология, этика, эстетика, социология, фалсафа каби фанларнинг асосий объекти бўлган – ШАХСга қисқа ва гўзал таъриф бериб ўтган эди. Бу сўз кучи. Сўз қудрати ила психолог ҳам руҳий таъсир кўрсатишини, эстетик тарбиялашани инобатга олсак, адабиёт психологиянинг асосий воситаси эканлигини таъкидламасликнинг иложи йўқ. Бугун ёшларимизни ҳарбий ватанпарварлик тарбиясига янгича ёндашиш лозим. Ҳарбий хизматчи учун адабиёт эмас, жангни ўрганиш зарур, деган қарашларни ўзгартириш керак. Негаки урушлар қиёфаси ўзгармоқда. Замонавий урушларнинг ҳар қандай тури бевосита шахснинг маънавияти, дунёқараши ва руҳияти билан боғлиқ. Ҳарбий хизматчиларнинг руҳий жиҳатдан чидамли бўлиши қанчалар аҳамиятли эканлиги хақида мамлакатимиз Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат





Мирзиёев Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган тартибдаги мажлисида алоҳида урғу бериб: “..шахсий таркиб маънавий жиҳатдан заиф бўлса, яъни аскар ва офицерларимизда жанговар рух, Ватанга меҳр ва садоқат, унинг тақдири учун масъулият бўлмаса ёки уларнинг ўртасида бепарволик ҳукм сурса, бундай ҳолат ниҳоятда нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин” [1] дея эътибор қаратдилар. Дарҳақиқат. Жисмонан қанчалар кучли бўлмасин, қўлида энг яхши қурол бўлмасин, руҳан ва маънан қуролланмаган аскар жангда нафақат иш бермайди, ҳатто зарар келтиради. Демак маънавиятни бойитиш энг асосий ишимиз ҳисобланади. Маънавиятни озукаси бу биринчи ўринда бадий адабиёт ҳисобланади. Шеър юракда битилади, тилда айтилади. Юрак дарди юракларни жўштиради. Шу боис шеър ўқиганда инсондаги олий туйғулар жунбушга келади ва шахсдаги ирода, шижоат, жасорат каби сифатлар чархланади. Шеъриятнинг бундай таъсир кучи нимадан эканлигини таҳлиллар орқали билиб олиш мумкин.

Халқимизнинг севимли шоири Сирожиддин Саййид ижодида Ватан ва халқ мавзуси бирламчи ўрин эгаллайди. Сирожиддин Саййид ВАТАНни баландпарвоз пардаларда эмас, юракдан, содда, жайдари услубда куйлайди. У Ватанни ўтмишдан, болалик кўчаларидан, нуроний қариялар юзидаги ҳаёт чизгиларидан излайди ва албатта қалбларни титратувчи шеърлар битишга муяссар бўлади.

Амир Темурлардан қолган номус-ор,  
Бир синиқ ғишти ҳам шараф-шон юртим.  
Сен – ўлмас ғурурсан, сўнмас фтихор,  
Суви ҳам, қуми ҳам зарафшон юртим.  
Асрлар жўш урган дил қоним дедим,  
Туғи абад баланд кўрғоним дедим. [2]

Шеърни ўқир экансиз, шоир Ватаннинг асл фарзандининг қалб изҳорини жуда гўзал мисраларда, теран фикрлар ила баён этганига гувоҳ бўласиз. Мозий руҳи, қаҳрамон ҳислари бевосита ўқувчи руҳиятини қамраб, қалбни ғурур чулғайди.

Инсон бу дунёда ўзидан яхши ёки ёмон ном қолдиради. Шоир дарё каби жўшиб яшаб, жўшиб ўтишга чақиради. Шунчаки номига яшаш, ҳаётга иштиёқ билан қараш бўлмаса, ундай умр самарсиздир:

Тўлиб-тошиб яшанг фақат,  
Тўлиб-тошиб адо бўлинг.  
Кўлмак эмас, не бўлса ҳам

Дарё бўлинг. Дарё бўлинг! [3]

Ёшлик, йигитлик жўшқин дарё каби. Уни сассиз ўтказиш эмас, халқ ва Ватан учун хизмат қилиб, ўзидан қониқиб ўтказиш керак. Кўлмак бўлиб – ўз қобиғига кириб,





фақат ўзи учун яшаб ўтиш ҳам мумкин. Бундай умрнинг ҳар ўтган лаҳзаси ўчиб боради. Дарё каби жўшиб, тошиб, халқ билан бирга Ватан учун хизмат қилиб ўтиш ҳам мумкин, бундай ҳаёт ўзидан кейин ҳам узоқ вақт ҳурмат билан эсланади, демакки, давом этади. Бу каби мисралар шахс руҳиятида ўз “Мен”ига ҳурмат, ишонч ва ғурур сифатларини оширади.

Халқимизнинг эрка шоири Муҳаммад Юсуф лирикаси ҳозирги ўзбек шеърлятида айрича ўрин эгаллайди. Шоирнинг юзлаб мисралари афоризмларга айланиб улгурган. Чунки халқнинг дарди халқ тилида куйланар экан, уни халқдан айириб бўлмайди. Шоирнинг ҳар мисраси халқона ифода, ҳар бир инсоннинг қалбига дахлдор. Муҳаммад Юсуф ижодида баландпарвоз таърифлардан кўра юракка якин содда ифодалар кўпроқ учрайди. Шоирнинг Ватан мадҳи ҳам ўзига хос. Дилларни ўртагувчи нола каби. Муҳаммад Юсуф шеърлари ўқилганда қалб шу замин фарзанди эканлигидан ғурурга тўлади:

**Билдимки, баридан улугим ўзинг,  
Билдимки, яқини шу тупроқ менга.  
Баҳорда Бахмалда туғилган қўзинг  
Араб охусидан азизроқ менга. [4]**

Муҳаммад Юсуф лирикасида Ватан ва ватанпарварлик, мардлик, дўстга содиқлик каби мотивлар борки, уларнинг бари ҳарбий хизматчиларни маънавий руҳий жиҳатдан тайёрлашда, ватанпарварлик, юртга содиқлик, халқпарварлик руҳида тарбиялашда бетақрор омил бўлади.

“Ўзини Ватан фарзанди деб ҳисобловчи одам бутун тану жони билан унга хизмат қилиши керак” [5]. Демакки ёшларимизга айнан “Ватан фарзанди” ғоясини сингдиришимиз лозим бўларкан.

Адабиёт миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган барча ҳарбий хизматчиларни руҳлантирувчи, миллий ғурурни юксалтирувчи, шунинг баробарида, ватанпарвар содиқ ҳимоячини тарбияловчи кучга эга. Бу кучдан эса ўз ўрнида фойдаланиш ҳар замонда ҳар соҳада ўз натижасини берган.

### **Адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш. Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган тартибдаги мажлисидаги нутқ. Ватанпарвар. 13 январь 2018 йил.
2. Саййид, Сирожиддин. Сўз йўли. Танланган асарлар. 2-жилд. – Т.: Шарқ, 2008. –Б 38.
3. Саййид, Сирожиддин. Куйдим. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1994. –Б 278.
4. Юсуф, Муҳаммад. Сайланма. –Т.: Шарқ, 2002. –Б 277.
5. Малик, Тоҳир. Танланган асарлар: Тўққизинчи жилд.-Т.: Шарқ, 2010. –Б 650.

